

ОҒИР БЕМОРДАН ТИББИЙ ЖИҲОЗНИ УЗИШ ҲАҚИДА

20:20 / 27.04.2016 4407

САВОЛ: Ассалому алайкум Ҳазрат! Касалхоналарнинг реаниматсия бўлимида қанчадан-қанча инсонлар кома ҳолатида ётишибди. Шулардан биттасининг қариндоши домлага шундай мурожаат қилибди: «Хотиним мана қанчадан бери ўзига келолмай кома ҳолатидадир. Аппаратлар воситасида сунъий юрак ишлатиб жонини сақлаб турибмиз. Докторларнинг эътирофича бундай касалларни чет элда амалиёт қилса балки тузалиши мумкин экан, аммо бизда эмас. Бизда бундай касалга даво йўқ. Агар биз мана шу аппаратнинг битта симини чиқариб қўйсак, у одам вафот этади. Шу ҳолатда мен хотинимни бекорга қийнаб, жонини сунъий сақлаб қўймайманмикин?». Саволим шуки юқоридаги ўлими аниқ беморнинг ҳаётини сунъий сақлаб туриш жоизми? Ё табиий ўз ҳолатига ташлаб қўйса бўладими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ислом фикҳи академияси олимлари ва бошқа уламолар бундай ҳолатдаги одамдан тиббий жиҳозларни олишга қуйидаги икки шарт юзага келганда рухсат берганлар:

1. Юраги ва нафас олиши бутунлай тўхтаганда ва табиблар бу тўхташ охиргиси, бу икки аъзо ҳеч қачон қайта ишламайди, деганда.
2. Миянинг фаолияти ҳам бутунлай тўхтаган ва мутахассислар у қайта ишламайди дейишганда ҳамда мия бўшашиб, тарқалаётганда.

Фақатгина мазкур ҳолатда тиббий ускуналар ишлашини тўхтатиш мумкин. Валлоҳу аълам.